

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ

ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

“ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ” КАФЕДРАСИ

5610100 -“Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш” йўналиши

4-35 - ГУРУХ ТАЛАБАСИ

Карабаев Рихситилла Рахматуллаевичнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “кузги тунламнинг биоэкологияси ва унга қарши кураш чораларини таҳлили.”

Илмий раҳбар:

“Ўсимликларни ҳимоя қилиш” кафедраси

Катта ўқитувчиси _____ Э.А.Холмуродов

«Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди»

Битирув малакавий иши муҳокама қилинди ва ҳимоя қилишга рухсат этилди.

“Ўсимликларни ҳимоя қилиш” кафедраси мудири, профессор _____ Э.А.Холмуродов
« _____ » _____ 2014 й.

“Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш” факультети декани,

доцент _____ А.Ж.Шокиров

« _____ » _____ 2014 й.

Тошкент – 2014 й.

МУНДАРИЖА

	бетлар
КИРИШ.	3
.....	
I. Адабиётлар шархи.	6
.....	
1.1. Кузги тунламининг тарқалиши, зарари ва биоэкологик хусусиятлари.	18
.....	
1.2. Кузги тунламнинг табиий кушандалари.	29
.....	
II. Тадқиқотлар ўтказиш шароитлари ва услуби.	32
.....	
2.1. Тадқиқот ўтказиш жойи ва унинг шароитлари.	32
.....	
2.2. Тадқиқот услублари.	35
.....	
III. Тадқиқот натижалари.	37
.....	
3.1. Кузги тунламга қарши кураш чоралари.	37
.....	
ХУЛОСАЛАР.	39
.....	
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	40
.....	

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида - қишлоқ хўжалиги – Республика иқтисодиётининг энг кўламли ҳал қилувчи бўғини бўлиб, Республиканинг тақдири кўп жихатдан шу соҳанинг қандай ривожланишига боғлиқ - деб кўрсатиб, қишлоқ хўжалигининг тақдири, демакки, энг муҳим ижтимоий, иқтисодий муамоларимизнинг ҳал этилиши, пировард натижада, мамлакатимиз озиқ–овқат таъминоти хавфсизлиги бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарадорлиги билан боғлиглигини таъкидлаб ўтган.

Қишлоқ хўжалик тармоқларининг ривожланиши, мустаҳкамланиши атроф муҳитдаги экологик омилларини сақлаш Республиканинг ривожланишида шунингдек дунёда юз бераётган иқтисодий, молиявий кризисларни бартараф этишда катта аҳамиятга эгадир. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш, кўп жихатдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча резервларидан тежамкорлик билан фойдаланишга боғлиқдир. Ўсимликларнинг кўпдан-кўп зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтлар етказадиган ҳосил нобудгарчилигини камайтириш ана

шундай резервлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг бозор муносабатларига ўтиш даврида барча етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган даражада сифат кўрсаткичларига эга. Эндиликда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, ислохатлар ўтказилиши лозим, зеро бу иш эндиликда бизни қишлоқ хўжалиги ноз-нематлари билан тўйдирган саховатли заминимиз деҳқончилигимизни яхши тушунадиган ҳар бир қарич ерни асраб авайлаб фойдаланадиган кишилар эҳтиёрига берилмоқда.[1].

Бу ислохатларни амалга оширишда, албатта қишлоқ хўжалик экинларини заракунандалар, касаллик ва бегона ўтларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалик экинлари заракунандаларига қарши пестидцидларни кенг кўламда ишлатишнинг зарарли оқибатлари маълум бўлиши туфайли кейинги йилларда биологик усулларга қизиқиш тобора кучаймоқда. Зарарли ҳашарот ва каналарнинг агробиоценоздаги ўзаро муносабатларини билиб олиш биологик агентларнинг ролини анча оширади ва зарарли ҳашаротларга қарши биологик курашда энг оқилона ҳамда самарали усуллар яратилишини жадаллаштиради.

Республикада муттасил мўл пахта ҳосилини етиштиришга қаратилган агротехник тадбирлар комплексида уни кундан-кун зарарли организмлардан ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутди.

Ғўза экини заракунандаларининг оммавий тусда кўпайиши учун қулайдир. Ғўзанинг фақат ўсув даврида зарарли ҳашаротларнинг 214 дан кўпроқ тури унинг ҳисобига ривожланади.

Кейинги йилларда ўсимликларни заракунандалардан биологик усулда ҳимоя қилишни ишлаб чиқариш ва уни амалиётга жорий этиш борасида муайян ютуқларга эришилди. Агар бу усул қўллашга киришилган 1971 йилда у атиги 2,6 минг гектардан жорий этилган бўлса,

1980 йили бу майдон 1416,1 минг гектарга, 1986 йили 4505,5 минг гектарга етди, 2009 йили эса биологик усул қўлланилган майдон 5227,4 минг гектаргача кўпайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳукумат томонидан янги биолобараториялар очиш у ерда технологик жараёнларни яхшилаш учун қилинаётган чора тадбирлар ишлаб чиқариш биолобароторияларнинг иқтисослаштирилган кенг шахобчалари яратилиши, бу шохобчаларнинг трихограмма ва унинг (ем бўлмиш ҳашоротни) ни урчитиш бўйича механизациялашган линиялар билан қуролланиши ўсимликларнинг биологик усулда ҳимоя қилиш воситаларини кенг кўламда самарали қўллашга йўл очиб берди. 2010 йили Ўзбекистонда 900 та биолобаратория ва биофабрика фаолият юритмоқда.

Умуман олганда биолобараторияларда трихограмма урчитиш бўйича 518та механизациялаштирилган линиялар хизмат кўрсатмоқда. Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш бўйича энтомофаглар етакчи ўрин эгаллайди. Биолобараторияларда суъний ҳолатда урчитилган трихограмма ва браконлар пахтачиликда кенг кўламда қўлланилмоқда.

Келгусида Ўзбекистонда энтомофаг ва агрофагларнинг пахта, беда алмашлаб экишдаги табиий популяцияларнинг муҳим ўрин тутмоғи лозим.

Жумладан аҳоли жон бошига етарли миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва истеъмол қилиш бўйича энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш республикада олиб борилаётган аграр сиёсатини негизи ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлиснинг 4-сессиясидаги сўзлаган “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, асарида қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасидаги вилоятлар, туман ҳокимлари билан бўлган учрашувларидаги нутқларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик фанларини кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ривожлантиришда олимлар олдига кўплаб вазифаларни қўяди.

Республикада асосий экинлардан бири ғўза ҳисобланади.

Ќўза дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатда 30 млн.дан ортиқ гектар майдонга экилиб, у АҚШ Хиндистон, Бразилия, Покистон, Миср каби давлатларнинг иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллайди.

Бу қимматбаҳо экинни 2000 йилдан кўпроқ давр мобайнида етиштириб келинаётганлиги оқибатида унда дунёнинг турли мамлакатларида 1326 турдан ортиқча зараркунандаларининг мослашишига олиб келган, гарчанд улардан бир неча турларигина у ёки бу зонада асосий зараркунанда ҳисобланади. Масалан, АҚШ да 100 турдаги бўғимоёқлилар ғўзада зараркунанда елдютида эътироф этилган бўлсада, фақат бир неча турлари хўза узунбуруни, ғўза ва тамаки тунламлари, ғўза куяси ва турли қоидалар биринчи даражали зараркунандалар ҳисобланади. Зараркунандалар ғўзанинг деярли барча қисмлари билан озиқланади, асосий зарар(80% дан ортиқ) унинг ҳосил органлари билан озиқланган зараркунандалар томонидан етказилади. Умуман бўғимоёқлилар

томонидан ғўзага етказиладиган зарар турли минтақа ва мамлакатларда турлича бўлиб ўртача 19% ни ташкил қилади.[2].

Олимларимиз бир неча йиллардан буён уларни етиштириш, ҳосилдорлигини ошириш юзасидан илмий ишлар олиб бормоқдалар. Шулар билан бир қаторда уларда учрайдиган зараркунанда ва касалликлар тўғрисида илмий амалий ишлар қилганлар.

Ҳар йили зарарли организмлар ҳисобига қишлоқ хўжалигида бутун жаҳон бўйича 75 млрд. доллар ҳисобида ҳосилдорликни йўқотади.[3]. Шунинг учун ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирлари бўйича уларни кураш чораларини ишлаб чиқиш ва кузатувларни кучайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Маълумотларига қараганда Ер юзиде аниқланадиган ҳашоротларнинг 1 млн.дан ортиқ туридан 100 минг турига яқини қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси пахта далаларидаги агробиоценозлар 45 оилага мансуб бўлган 13 та туркум 237 та тури зарар келтиради. Булардан фитофаглар 30,4% ни зоофаглар 53,1% ни ва бошқа турлари 16,5% ни ташкил этади. [4].

Ғўза зараркунандаларига қарши бир неча йиллардан буён олимларимиз биологик курашда иш олиб бормоқдалар.

Йилдан йилга дунёда ҳали ўрганилмаган янги хашарот турлари топилиб, уларнинг турлари кўпайиб бормоқда, яъни олимлар томонидан ҳали фанга номаълум бўлган янги турлари аниқланмоқда.

Сўнги вақтларда ўсимликларни ҳимоя қилиш борасида бирмунча ютуқларга эришилди, бироқ, ҳануз зарарли организмлар таъсирида экинлар ҳосилдорлиги камайиб бораёпти. Жумладан кузги тунлам қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар етказиб келмоқда. Зараркунанда личинкаси (одатда уларни «гусеница»лар дейилади). Кўпгина ёввойи ва маданий экинларга зарар етказади [38]..

Ер ости кемирувчи тунламларига қарши помидорда перитроид

препаратлар қўлланилганда 80-98%, улар ғўза тунламига қарши қўлланилганда 88-98% биологик самара берган [26].

Уйғунлашган ҳимоя қилишда агротехник, генетик, физик, биологик, кимёвий ва бошқа шу кабилар комплекс ҳолида қўлланиб, табиий барқарорлик бузилмаган ҳолатда ғўзадан юқори ҳосил олишга ҳаракат қилинади. Уйғунлашган ҳимоя қилишда асосий эътибор зараркунандаларини буткул йўқ қилиб юборилмай улар экин ҳосилига путур етказмайдиган миқдорда сақлаб қолинади ва паразитлар фаолияти кучайишига эътибор қилинади ва кимёвий усулда фақатгина зарурат туғилгандагина фойдаланилади. Шундай уйғунлашган ҳимоя қилишнинг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади [27].

Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига ишлаб чиқилган усуллар шарт шароитлардан келиб чиқиб, бунда экинларнинг турли зараркунандаларининг хусусиятлари, қўлланиладиган агротехник тадбирлар ўсимликларни ривожланиш фазаси, усулини қўллаш жойи, усулининг технологияси, зараркунандаларнинг тури ва сони ўсимликларнинг зарарланиш даражаси ва ўтказиладиган тадбирларнинг иқтисодий ва биологик самарасини ҳисобга олиш зарур.

МДХ мамлакатларида ғўза билан 220 турдаги бўғимоёқлилар озикланиб, шулардан 200 турдан кўпроғи хашаротлардир.

Ўзбекистон худудида эса 214 турдаги бўғимоёқлилар жумладан 203 тур хашаротлар учрайди.

Ўзбекистонда ғўзанинг асосий кенг тарқалган зараркунандалари: кузги ва бошқа тунламлар, ўргимчаккана беда ёки ғўза бити ғўзанинг катта яшил битлари (ширалари), тамаки трипси сўқир коидалар (дала шувок, беда қандалалари) ҳисобланиб, умуман олганда 10-15 турдагилари жиддий зарар етказди, 50 турдагилари эса ахён-ахёнда зарар берувчи потенциал зараркунандалардир. Аммо бу потенциал турлар ҳам маълум бир экологик муҳитда ғўзанинг жиддий зараркунандаларига айланиши мумкин. [15]. Озикланишга қараб, зараркунандаларнинг оғиз

аппаратлари ҳар хил тузилган бўлади.

Кемирувчиларнинг оғиз аппарати қаттиқ озиқлар ўсимлик қисмлар ва х.к. билан, санчиб сўрувчиларнинг оғиз аппарати эса, ўсимлик шираси билан озиқланишга мослашган. [2].

Зараркунандаларга қарши курашни ташкилаштириш ва бунда самарали ҳимоя воситаларини танлашда уларнинг ўсимликни қайси қисми билан озиқланиш, қандай озиқланиш, демак, оғиз аппаратининг тузилиши муҳим роль ўйнайди. Зараркунандалар агар ғўзанинг илдиз, поя, барг шона, гул, тугунча ва кўсакларини кемириб озиқланса бошқа турдагилар кемириб, озиқланади. Кемириб озиқланувчиларга кўсак қурти, кузги тунлам ва карадринна мисол бўлади. [18] [21]

Кейинги маълумотларга қараганда дунёда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳар хил касалликларига чалиниши бегона ўтлар ва зараркунандалар бўлиши натижасида ҳосилнинг йўқотилиши 74 млрд. доллар ёки етиштирилган ҳосилнинг 39,9 фоизини ташкил қилади. Шундан 30 млрд ёки 13,4 фоизи зараркунандалар, ҳисобга тўғри келади.

Ўсимликларни ҳимоя қилишда деҳқончилик маҳсулотлари умумий таннархининг 15 фоизи АҚШ да эса 5 фоизи сарф қилинади.

Кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff) энг хавфли зараркунанда ҳисобланади. У 200 дан ортиқ ўсимликларда озиқланади. Бу зараркунанда жанубда ғўза, сабзавот экинларига кучли зарар етказади. Шунингдек тут дарахти, қовун, тарвуз, ковоқ дуккакли экинларга ловия, кўчат, беда ва бошқа кўпинча ўсимликларга ҳам зарар етказади. [38][33]

Зараркунанда экинларнинг майсаларига экилган уруғларига илдиз, туганак меваларини кемириб катта зарар етказади.

МДХ давлатларининг барча пахтакор районларида ғўзага зарар етказадиган тунламларнинг ўн битта тури маълум. Кузги тунлам ғўзага турли даражада шикаст етказади. Ўрта Осиёда ва унинг шароитида кўпинча кузги тунлам тушади. Бошқа турлари, жумладан ёввойи тунлам унча кўп учрамайди, аммо баъзи йилларида бундай турлар ҳам экинларга

катта хавф туғдириши мумкин. Бу тунламлар ҳаммахўр ҳисобланади.

Лекин хуш кўрадиган экинлари ва бегона ўтлари ҳам бўлиши мумкин. Ундов тунлам бедани, кузги тундам ғўзани, ёввойи тунлам полиз экинларини хуш кўради. [2].

Яшаш тарзи, шикастланиш характери ва кураш ускуналари ҳамма учун бир хил деса бўлади. [36]

Кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff) - суғориладиган туманларда кенг тарқалган зараркунандалардан биридир. Бу зараркунанда 34 оилага мансуб ўсимликларни зарарлайди. Унинг қуртлари эндигина униб чиққан ниҳоллари илдиз бўғзинини қирқади, ўсимликларнинг, баъзан ерустки қисмини, буткул еб қўяди. Катта ёшдаги қурт ҳолида тупроқ остида 10-15 см чуқурликда қишлайди.

Кузги тунлам ғўза, маккажўхори, нўхат, помидор ва бошқа экинларнинг ашаддий зараркунандаси ҳисобланади. [28]

Қуртлар ёппасига кўпайган йилари майсалар шу қадар сийраклашадики, ҳатто бу экинни қайта экиш зарур бўлиб қолади.

Кузги тунламнинг шикастлаш характери ва қандай зарар етказишига шинингдек, биоэкологиясидаги турли морфологик белгиларга қараб бошқа тунлам турларидан ажралиб олиш мумкин.

Кузги тунлам тухумининг диаметри 0,65 мм келади, шакли куббасимон бўлиб, тепасида бўртиқлари бор тухумнинг сиртида 16 дан 20 тагача қобирғалар бўлади, уларнинг тухум ичига бориб туташади. [25].

Кузги тунламнинг етук қурти 5 см.га етади. Унинг кўриниши кўкрак танаси бўғимларидан иккита ноаниқ йўл ўтган улар орасида эса, учинчи йўл бўлиб, бу орқа қон томирининг ғира-шира кўринишидир. Бездоталанган қурт буралиб олади. [38].

Кузги тунлам сўнгги икки ёшидаги қуртлик даврида тупроқнинг 5-15 см чуқурликдаги қатламида қишлайди. Баҳорги ўртача суткалик ҳарорат 10С дан ошганда қишлаб чиққан қуртлар тупроқдаги инларини ташлаб ер устига кўтарилади ва ғумбакка айланади. [33].

Капалакларининг ўсиши Ўрта Осиё шароитида давом этади ва ходисани 40 кунгача ва ҳатто 60 кун кузатиш мумкин об-ҳаво шароитига қараб уч-етти кундан кейин тухумлардан майда тўқ кулранг қуртлар баргларининг орқа томонида бўлиб уларнинг эти билан озикланади, кейин тупроққа тушади.

Қуртлар тунда тупроқ бетига чиқиб ўсимликларнинг ер устки қисмларини зарарлайди[38]. Ана шу пайиларда улар паразит ва йиртқичларга ем бўлишлари мумкин, қуртлар аксари тупроқнинг нам ва қуруқ қаватлари оралиғида яшайди.

Қуртлар 30-40 кун яшайди ва шу вақт мобайнида беш марта пўст ташлайди. Олтинчи ёшдаги қуртлар озикланиб бўлгач тупроқдаги ҳолатида ғумбакка айланади.

Ўрта Осиёда биринчи ва учинчи авлоди энг кўп урчийди, иккинчисида ҳаракат кўтарилиб кетиши туфайли депрессия рўй беради.[38][33]

Биринчи авлод қуртларининг кўпчилиги ғўзага зарар етказади. Учинчи авлод кузги бедага, шунингдек, картошка сабзавот ва полиз экинларига катта зарар етказади.

Ёз охири ва куз бошида ўртача суткалик ҳарорат 25 С дан пасайганда биринчи ёшдан бошлаб ривожланаётган қуртлар ғумбакка айланмайди, балки қишлагга киришади. Кузги тунламнинг ривожланиши муддатларини башорат қилиш кузги тунламнинг ривожланиш муддатларига оид башоратлар яқин орада жойлашган метерологик станция ёки постларнинг агрометерологик кузатишларидан олинган маълумотлар асосида тузиб чиқилади. [2].

Дастлабки капалакларининг учиш вақтини ҳарорат кузатгичларига қараб аниқлаш уларнинг асосий учадиган даврини ўз вақтида белгилаш учун зарур.

Аксари 20-30 кун давомида ўртача 10 кунлик ҳарорат 20 С га яқин ва ундан бўлганида капалакларининг асосий қисми учади.

Кузги тунламнинг иккинчи ва ундан кейинги авлодлари капалакларининг уча бошлаши аниқлаш учун иккинчи авлод капалакларининг уча бошлаган муддатидан эътиборли бўлган фойдали харорат йиғиндисидан ҳисоблаб чиқилади. [24].

Узоқ муддатли башорат белгиланган кузда биринчи ёш белгилашда қуртлар учун ҳавонинг ўртача 10-кунлик фойдали харорати 25 С дан паст бўлган йиғиндисига эътибор берилади. Ўрта Осиёда бу муддатлар августнинг учинчи ўн кунлигидан бошланади. Қуртлар стадияси муваффақиятли тугалланиш учун зарур фойдали йиғиндиси харорат 400 °С ва ундан ошиқ бўлиши, қишлашга кираётган зараркунанданинг хавfli эканлигидан далолат беради. [24]

Иссиқлик етишмаслиги сабабли қуртларни тўйиб озиқланмаганлари тупроқнинг юза қатламида қолади ва совуқ тушгунича озиқланиш давом эттиради. Улар кўпинча касалликка чалинади ва қирилади ёки энтомофагларга ем бўлади.

Ҳар 5-15 гектар экинга битта тирқич жойлаштирилиб, бу ерга кузги тунлам ривожланишининг назорат остига олиб трихограммани далага чиқариш муддатнинг ёки жуда хавfli участкаларини белгилаб қарши чораларни ўз вақтида ўтказишни таъминлаш мумкин. [23]

Кузги тунламнинг табиий кушандалари. Ўрта Осиё шароитида кузги тунламнинг кушандалари йиртқич ва паразитларнинг 50 турдан кўпроғи рўйхатга олинган, аммо браконоид, ихневмоид, трихограммид оиласига мансуб кушанда бу зараркунанда сонини камайтиришда ахамиятлидир[28].

Зараркунанданинг турли йилларда ва мавсум мобайнида бу кушандалар билан зарарланиш бир хил бўлмай 80 С гача ўзгариб туриши мумкин. Кузги тунламини йўқотишда экинлар суғорилиб, қуртлар тупроқ ичидан чиққан пайтларда катта роль ўйнайди.

Ундов тунлами кенг тарқалган тур йўқолиб одатда кўп зарарланиш жихатидан кузги тунламдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Олдинги

қанотлари асосида ундов белгиси туради, унинг номи худди шу белгига қараб қўйилган. У кузги тунламдан фарқ қилиб йилига икки марта авлод беради. [33].

Ундов тунлами учун ҳам ривожланиш муддатларининг ва кўпайиши миқдорий мезони белгилаш учун феромон тутқичлари билан аниқланадиган усул яратилган бу ҳашаротлар юқори даражада тоза ва самарали феромон моддаси ВНИИХОЗР томонидан аниқланиб синтез қилинган.

Ёввойи тунламнинг морфологик белгилари ва биологияси, кемирувчи ва бошқа тунлам турларидан бирмунча фарқ қилади. Капалаклар тупроққа тўп-тўп қилиб 50 та дан тухум қўяди, урғочи тухум қўйиш вақтида ёпишқоқ модда ажратади. У қўйган тухумларини тупроқ зарраларига бириктиради. Натижада табиатда уларни топиш деярли мумкин бўлмай қолади.

Эндигина қўйилган тухум оқ тусли бўлади. Унинг ранги ўзгаради ва етти-саккиз кундан кейин бинафша рангга киради. [38]

Бу вақтга келиб унинг тўқ қобиғи орқали ҳосил бўлган муртакни кўриш мумкин.

Ёввойи тунлам тухум қобиғи ичида пайдо бўлган куртагида қишлайди. 1-11 ёшдаги қуртлар очик юзада озикланади.

3-ёшидан эътиборан улар озикланаётган ўсимликлардан тушиб кундузи тупроққа яширинади. Кичик ёшдаги қуртлар баргларнинг эътиборини еб чигитни қолдиради, ёш баргларни эса ғалвир қилиб юборади. Ўрта ва катта ёшдаги қуртлар барг- бандларини кемирибгина қолмай уларнинг қолдиқларини еб қўяди ёки инларига ташиб кетади. [38]

Ёввойи тунлам қуртлари ўсимликлар билан озикланади. Қуртлари озик қидириб анча масофага силжиши мумкин, ёввойи тунлам қурти олти ёшни кечириб ривожланади.

Лаборатория шароитидаги ривожланиш ҳавонинг 12-22 ҳароратда 45-51 кун давом этади.

Дала шароитида кузатилганда қуртларнинг март бошидан то май охиригача ривожланиш 60-70 кунни ташкил қилади. [16].

Маълумотларга кўра тоғ олди зонасида ёввойи тунлам қуртлари ҳисобланиш учун бўз ерларга ёки ҳар хил ўт ва бўта ўсимликлари ўсадиган жойларга ўтади. Тоғолди зонасида ғумбаклангандан кейин 16-17 кун ўтгач ғумбаклардан капалаклар учиб чиқади. Бу май ойининг охири ва июннинг бошига тўғри келади. 1986 йили май ойида ёввойи тунлам капалакларининг кўплаб Тошкентга учиб кетгани аниқланган. Ярқироқ оқшом ва тунги шаҳар чироқлари одатдан ташқари беҳисоб капалакларни ўзига жалб қилган бўлиши керак. [24]

Капалаклар баҳор ва ёз ойларида гуллаётган ўсимликларнинг нектари билан озиқланади. Жазирама иссиқ бошланиши билан капалаклар ўз бошидан диапаузага даврини кечиради.

Август ойининг охирида улар яна уча бошлайди ва сентябр ойининг охири октябр ойининг бошигача учишнинг давом эттиради. Кемирувчи тунламларнинг қуйидаги турлари ғўзага камроқ зарар етказади.

Ипсимон тунлам ҳар хил ёшидаги қуртларининг ишлаши сернам, соз тупроқларни ёқтиришни бу тур учун характерлидир. Тамаки тунлами кўллаб тамаки экинига тушади, бироқ ғўзада ҳам учраб туради.

Биринчи, иккинчи ёшдагилари қишлашга киришади. Шу боисдан, зарар келтиришни баҳордаёқ бошланади.

Қора елкали тунлам аксари ғўзага зарар етказади. Қора тунлам Россия, Украина, Белорусияда учрайди ва деярли сезиларли даражада зарар келтиради. Одатда йилига икки бўғин беради. Ғўзанинг зараркунандаси сифатида учрайди. Лентали катта тунлам бу тур Ўрта Осиёда кўп учрайди. Лентали катта тунлам бу тур Ўрта Осиёда кўп учрайди. Ёш қуртлари ҳаммахўр ғўзага шикаст етказиши мумкин. Оч кулранг ер тунлами полиз экинларига ғўзага шикаст етказади. [38]

1980 йилларда кузги тунламни қишлаб чиққан ва кейинги авлодларининг ривожланишини аниқлашда феромон тутқичлардан

фойдаланиш жорий этилади.

Зараркунанда экинларга етарлича зарар келтиради. Зарарланиш ҳамма жойда ҳам бирдек бўлмайди. Унинг кўпайишига қараб, доимо ёки баъзан зарарлаш даражаси юқори бўлиши мумкин. Кузги тунламнинг зарарини ғўзани кўринишига қараб аниқлаш мумкин бўлади.

1980 йилларда кузги тунламини қишлаб чиққан ва кейинги авлодларининг ривожланишини аниқлашда феромон тутқичлардан фойдаланиш йўли жорий этилди. Бироқ ёруқликда хашарот тутқичларидан ҳам фойдаланса бўлади.

Феромон тутқичлар капалаклар учувидан 7-10 кун илгари ҳар 10 га экинзорга 1 тадан қўйилади. Дастлабки капалаклар тутилган тутқичлар миқдори кўпайтирилиб ҳар 5 га майдонга 1 та дан қўйилади.

Даслабки капалаклар тутилган тутқичлар миқдори кўпайтирилиб ҳар 5 га майдонга 1 тадан қўйилади. Эрта баҳорда қўйилган тухумлар ва зарарланаётган қуртлар 1 м² майдонда нисбатан ҳисобланади. Тухумлар ердан униб чиқаётган бегона ўт майсаларида қуртлари асосан тупроқнинг 4-5 см ли чуқурлигидан қидирилади. [24].

Қуртларнинг қишлоғга кетишини ҳисобга олиш учун сентябр ойининг иккинчи декадасидан бошлаб, зарарланган майдонлардан 5-10 та 0,5 квм. Ва 30 см чуқурликда хондончалар қазиб кўрилади. Топилган қуртлар ёшлари бўйича ажратилади, ўлган бўлса сабаби кўрсатилади. Ёз мавсумида кузги тунлам ва бошқа илдиз кемирувчи тунламлар ғўзанинг уна бошлаш давридан бошлаб 4-5 та чин барг чиқаргунга қадар (давом) зарар етказди. Шу сабабли бу даврда ғўзага ва улар учун қулай бўлган барча дала экинларида мавсум давомида кузатув ишларини олиб бориш зарур.

Капалакларнинг учиш муддатлари ва динамикасини башорат қилиш шунингдек, ёруғлик нури ҳамда феромон тутқичлари ёрдамида аниқланади.

Капалакларнинг учиши билан бир вақтда урғочиларининг

серпуштлилиги ва тухумларнинг етилганлигини аниқлаш лозим. Бунинг учун ҳар бир 3-5 кунда 7-10 та урғочи капалак ёриб кўрилади.

Етилган урғочи капалакларни пайдо бўлиши табиатда илдиз кемирувчи тунламлар тухумининг пайдо бўлишидан дарак беради.

Кузги тунламнинг ғўза далаларидаги ўчоқларини аниқлаш учун 20 дона намуна олинади. Намуна хажмини $0,25\text{м}^2$ яъни 90 см ли ғўза қатор оралиғида ариқ узунлиги бўйича 28 см ва ёнига 90 см майдон кўрилади, агар қатор оралиғи 80 см бўлса, ариқ бўйлаб 42,5 см ва энига 60 см майдонда зараркунанда текширилади, бунда тупроқ 5-10 см чуқурликда тешилади, аниқланган тупроқ ости тунламлари сони 2га кўпайтирилади.

Кузги тунламлар таъсирида экинларнинг зарарланиш даражаси 3 балли шкала бўйича аниқланади, бунинг учун 10та намуна олиб ундаги барча ўсимликлар улардан зарарланганларининг миқдори аниқланади.

0-ўсимликлар зарарланмаган.

1-кам зарарланган (илдиз бўғинида кичкинагина кемирилган чуқурча бор ёки баъзи барглarning бандалари кемирилган).

2-кучли зарарланган (илдиз бўғинлари кучли емирилган, ҳатто баъзиларида унинг ярмигача кемирилган).

3-ўсимликлар нобуд бўлган (ўсимликларнинг илдиз бўғини қирқиб ташланган. [24])

Тадқиқотнинг асосий мақсади экинларнинг кузги тунлам зараркунандаси бўлган кузги тунламнинг ривожланиш биоэкологик хусусиятларини ўрганиб, унга қарши самарали кураш чораларини тахлил қилишдан иборат.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш олдини олиш ташкилий чораларини кўриш, агротехник, механик, биологик, карантин тадбирлар асосида кураш олиб бориш ва худудига экологик мувозанатни сақлаш жуда зарур бўлган тадбирдагина атроф муҳитга кам таъсир этувчи иссиқ организмларга ҳамда фойдали организмларга зиён етказиладиган экологик тоза инсектицидларни қўллаш, уйғунлашган химояни асоси

бўлиб қолмоғи лозим.

Экишдан бўшаган ерларни кузда чуқур шудгорлаш, яхоб суви бериш, дала четларидаги тунлам қуртлар қишлайдиган бегона ўтларни йўқотиш, экин майдонлари атрофидаги дарахтлар остини юмшатиш зараркунандалар тарқалишини олдини олувчи асосий омиллардир. [22]

Кузги тунлам қуртларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш учун биз тадқиқотимизга қуйидаги вазифаларни киритдик:

1. Кузги тунламнинг тарқалиши, зарари ва биоэкологик хусусиятларини таҳлил этиш.
2. Кузги тунламнинг табиий қушандаси трихограммани қўллаш муддатлари ва меъёрлари таҳлил этиш.
3. Кузги тунламга қарши кураш усулларини таҳлил этиш.

1.1. Кузги тунламининг тарқалиши, зарари ва биоэкологик хусусиятлари.


Кузги тунлам (*Agrotis segetum*) капалаги қанотлари ёйилганда 4 см.гача етади. Олдинги қанотлари қорамтир кулранг бўз рангли бўлиб, баъзан бирмунча оқиш ёки сарғиш рангда бўлади.

Олдинги қанотида қорамтир буйраксимон доғи бор, кейинги қанотлари оқ. Тухуми гумбазсимон, оқиш, сирти қовурғачали ривожлангани сари қорая боради. Қуртнинг узунлиги 5 см.гача етади. Экилган чигитни ёки уни униб чиқаётган кўчатларнинг илдиз бўғзини шикастлаб, кемириб зарарлаш орқали уларни сийраклаштириб юборади. Кузги тунлам бир йилда 3-4 марта авлод беради. [4]



Расм 1. Кузги тунлам (*Agrotis segetum*)нинг капалаги.

Вўза учун унинг биринчи авлоди ўта зарарли ҳисобланади. Капалаклари март ойининг охири, апрел ойининг бошларида қишлов жойларидан учишни бошлайди. Урғочи капалаги ўртача 500-600 та тухум қўя олади. Тухумларини кесак устига ва ҳар хил ўсимлик баргларига қўяди. Улардан 3-5 кунда куртлар чиқа бошлайди. Кузги тунлам миқдорини аниқлаш учун ҳар бир гектар майдоннинг ҳар 50 сантиметр квадрат қисмидан 4 та намуна олинади. Вўза ягона қилингунга қадар намунага умумий ўсимлик сони, ягона қилингандан кейин эса 10 туп ўсимлик кузатилади. Намуналардан топилган куртлар сони намуна сонига бўлиниб, тўртга кўпайтирилади.



Расм 2. Кузги тунлам (*Agrotis segetum*): 1. тухуми, 2. курт, 3. ғумбаги

Кузги тунлам бутун дунёда кенг тарқалган хаммахўр зараркунанда кўпчилик қишлоқ хўжалик ва томорқа ўсимликларига зарар етказди. Айниқса ғўза памидор, картошка, қовун, беда, тамаки, кунгабоқар ва бошқа экинларга кўпроқ зарар етказди. Икки паллали бегона ўтларни ҳам хуш кўради. [12]

Ғўзага асосан шоналаш давригача зарар етказди. Битта курт бир зараркунанда 10-15 та ғўза кўчатини йўқотиш мумкин. Бу зараркунанда ўзи озиқланган ўсимликлар остида тупроқни 10-25 см чуқурликда катта ёшдаги куртлик даврида қишлайди.



Расм 3. Кузги тунлам (*Agrotis segetum*) куртлари.

Куртлар қишда - 11 °С га қадар совуққа чидайдилар. Эрта баҳорда ҳаво ҳарорати +11 °С дан ошганда куртлар юзага кўтарилиб тахминан 5см тупроқнинг чуқурликда ғумбакка айланадилар. Баҳорда капалакларнинг учиш нафақат баҳорнинг об-ҳавоси билан балки қишлашга кетган пайтидаги об-ҳавога ҳам боқлиқдир.

Умуман баҳорда капалакларнинг учиши 1-1,5 баъзан 2 ой давом этсада, бироқ уларнинг ёппасига учиши 1-2 ҳафта давом этади. Бу ҳолат Тошкент вилоятида апрелнинг иккинчи ярми ва май ойининг бошларига тўғри келади.



Расм 4. Кузги тунлам (*Agrotis segetum*)нинг капалаги.

Капалаклар 12-30⁰С ҳароратда етилиб тухум қўя бошлайди. Қулай шароитда ҳар бир урғочи капалак яхши озиқланганда 1000-2000 тагача тухум қўйиши мумкин.

Ўртача шароитларда 800-900га қадар тухум қўяди. Тухумларнинг эмбрионал ривожланиши ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиб 10-12⁰С да 24 кунда 29-30⁰С да тўрт кунда тухумдан қурт чиқади. Кузги тунламнинг ривожланишини бир бўғимини тўлиқ ўтиш учун 550⁰С фойдали ҳарорат йиғиндиси керак бўлади (10⁰С бўсаға ҳарорати). [5]

Тухумнинг ривожланиш учун 50⁰С, қуртнинг ривожланиши учун эса 350⁰С ғумбакнинг ривожланиши учун 150⁰С фойдали ҳарорат йиғиндиси (1-жадвал).

1-жадвал

**Кузги тунлам – (*Agrotis segetum Schiff*) ни ривожланишининг
биоэкологик хусусиятлари**

Зарарку нандан и қишлаш жойи	1 йилда бўғин сони	Ривожланиши учун энг пастки ҳарорат бўсағаси	Капалакларнинг ёппасига учиб чиқиб тухум қўя бошлаши	Фойдали ҳарорат йиғиндиси				Ривожла ниш учун оптимал харорат	Қишловга кетиш муддати
							Бир бўғин ўтиши учун		
Катта ёшдаги	3-4 (жанубий районларда 3, шимолий районларда)	10°C	Ҳаво ҳарорати ўртача декада бўйича 20°C бўлганда капалаклар тухум қўя бошлайди (1 авлод)	50°C	350°C	150 °C	550°C	Ҳаво харорат и 20-30°C; ҳаво намлиги 60-70%	Фойдали харорат йи ғиндиси 400°C дан ошса яхши қишлашга кетади

керак бўлади. Қуртларнинг озикланиш ўртача 24-36 кун давом этади. Кузги тунлам ўртача декадалар бўйича ҳаво ҳарорати 25°C дан пасайганда озикланаётган қуртлар қишловга тайёргарликка кўра бошлайди. Қишловни муваффақиятли ўтказиш учун кузги тайёрганликда 400°C фойдали ҳарорат йиғиндисини олиш лозим.

Кузги тунламнинг башорат қилиш учун агрометеорологик блокитенларда ўртача декада бўйича ҳаво ҳарорати намлиги экинларнинг ривожланиш босқичлари ва мутахассисларининг кузатувлари (феромон тутқичлардан ёруғликда хашарот тутқичлардан фойдаланиб ва х.к.). Кўп йиллик маълумотлар билан солиштирилади.

Капалакларнинг биринчи учиб эрта баҳорда ҳаво ҳарорати ўртача декада бўйича 12°C бўлса ёки ундан ошганда ва ҳавонинг совиши 0°C

ва ундан пастга тушиши кузатилмасада кутилади.

Кўпинча фойдали харорат йиғиндисини 50°C бўлиши капалакларнинг дастлабки пайдо бўлишига тўғри келади.

Дастлабки капалак уча бошлагандан кейин 550°C фойдали харорат йиғимини биринчи авлод тугаб, иккинчи авлод бошланишини билдиради. Кейинги авлодлари ҳам капалак уча бошлаб ҳисобланади.

Қишлаётган қуртлари - 11°C совуқгача чидайдилар. Ер ости тунламларида трихограмма тухумхўри қуртларида айрим яйдоқчилар шакли пашшаси паразитлик қилади. Қуртларига қушлар ҳам қирон келтиради.

Кузги тунлам башорат қилиш кузги қишловга кетишини ҳисобга олиш, агрометереологик маълумотларни олиб уларни солиштириш орқали давом этади.

Кузги тунламга қарши ҳар қандай экинзорда кураш тадбирлари қисқа муддатли башорат маълумотлари асосида олиб борилади. Бу муддат ипак қурти боқиш даврига тўғри келиб қолса унда кимёвий ишлов олиб борилмайди.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, кузги тунламнинг 1 авлодининг ривожланиши, 40 кундан 80 кунгача (ўртача 56-60 кун) давом этади.

Биринчи авлод апрель ойи охиридан июннинг биринчи ярмигача.

Иккинчи авлод июнь ойининг иккинчи ярмидан июл ойининг иккинчи декадасигача.

Учинчи авлод июль ойининг учинчи декадасидан август ойининг учинчи декадасигача.

Тўртинчи авлод сентябрь ойидан бошлаб октябр ойигача қараб белгиланади.

Кузги тунлам Ўзбекистон шароитида уч марта авлод бериб ривожланади. Ғўзага фақат биринчи авлод қуртлари зарар етказади.(жадвал 2).

Кузги тунламнинг авлодларининг давомийлиги

Бўгин қишловчи	2008	2009	2010	Ўртача
1-чи	60	50	56	55
2-чи	40	44	45	44
3-чи	42	43	51	52
4-чи	46	56	80	68

Зараркунанданинг ғўзадаги биринчи авлоди ривожланишини билиши учун хушхўр озуқа экинлари, маккажўхори, сабзаёт-полиэ экинлари ҳамда шоналаш давридаги эрта экилган ғўза далаларида назорат ўтказиш лозим.

Кузги тунлами биоэкологиясининг кўрсатишича, пахта, далаларида биринчи авлоднинг ривожланиши унинг иқтисодий хавфли чегара сони айрим холларда юқори бўлмайди. Бундай холларда фақатгина биологик кураш усулидан фойдаланиш кифоя бироқ, ғўза далаларининг баъзи жойларида зараркунандалар миқдори кўпайиб кетиш мумкин. Бундай далаларда эса кимёвий кураш усули йўлланилиши керак. Бунда ҳар 1 м² да 3-4 қурт ёки тухумлар бўлиши кузатилади. Башорат пункти ходимлари ўтказилган ҳар бир кураш (биологик кимёвий) тадбирларининг биологик самарадорлигини бир неча формулалар ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Кўпинча зараркунанданинг назорат участкасида табиий ривожланишини назарда тутувчи Аббот формуласидан фойдаланилади.

$$C = \frac{A_b - A_a}{A_a} * 100$$

бу ерда; C+ биологик самарадорлик, %;

A – зараркунанданинг тажриба участкасида пестицид қўллашга қадар, бўлган миқдори, дона;

а – пестицид қўллагандан кейин миқдори;

